

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Бир ҳовур дур  
Қудратимизга шак-шубҳангиз  
Бўлса, биз қурдирган биноларга  
Бақинг.  
Адоват эмас адалат енгади.  
Бир калима ширин сўз қилчнни  
қинга киритар.  
Душмандан кўрқма, мунофиқ-  
дан кўрқ.  
Куч — адалатдадир.  
Юз минг оптиқ аскар қила ол-  
маган ишни бир тўғри тadbир  
билан амалга ошириш мумкин.

АМИР ТЕМУР

2019 йил 19 март

сешанба № 10-11 (1162-1163)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

## ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Ўзбекистон Халқ шоири

*Сен баҳорни  
соғинмадингми?*

Уйғонгучи боғларни кездим,  
Толай, дедим қирдан изингни.  
Ёноғингдан ранг олган дедим —  
Лозазорга бурдим юзимни,  
Учратмадим аммо ўзингни,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқларда залворли тоғлар  
Хайлимни келдилар босиб.  
Кечди қанча интизор чоғлар,  
Васлинг менга бўлмади насиб,  
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Ўнгирларда сакрайди оху,  
Наъматакда саъва миттижон.  
Қорликлардан сипқарилган сув,  
Дараларда уради жавлон.  
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун Наврўзи олам,  
Дўстларимга гуллар тутарман.  
Қайлардасан, севгили эркам...  
Қўлимда гул, сени кутарман,  
Умрим бўли чорлаб ўтарман,  
— Сен баҳорни соғинмадингми?



## Наврўз тарихига бир назар

*Берунийнинг айтишича: "Наврўз... ўтмиш замонларда... кўбىнинг са-  
ратон буржиёга кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурил-  
ган, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил ичра хизмат қилмаган  
бир вақтда, яъни баҳор ёлғирининг биринчи тоғлиги туғилишидан гуллар  
очилгунча, ҳайвонларда ўёвонлиги тавофти бошлангунчадан то насл вужуд-  
га келгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун "Наврўз" олам-  
нинг бошлангунча ва яратилгунча далили қилingan".*

"Наврўз"нинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд. Масалан, зардуштийлар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмуз) баҳор, ёзда, ёвузлик худоси Анхарамайно (Ахриман) — кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қараш мавжуд бўлган. Баҳорнинг

биринчи кунини эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан ғалаба қилган муқаддас сана, деб байрам қилишган. Бу сана "Наврўз" кунига айнан тўғри келган.

Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида эса янги йил ("Наврўз")нинг пайдо бўлиши шоҳ Жамшид номи билан боғланади.

Жамшид одамларга яхшилик қилиш мақсадида уларни касбга ўргатади, темирни эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, ҳаммом, уй, саройлар бунёд қилдиради, табиблик сирларини очади, кема ясатади, боғ барпо қилдиради. Ниҳоят, Жамшиднинг ишлари гурқираб, мева берган кунда ўзига тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилади. Ушбу афсонага кўра худди шу кун Наврўз нишонланган.

Алишер Навоий ҳам "Тарихи мулуки аҷам" номли асарига Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуғ Наврўзни ихтиро қилганлигини баён қилади. Навоий ёзишича: "Жамшид "Чихил минор" номли одамзод кўрмаган ва ақлбодар қилолмайдиган баланд бино қуриб... "бу иморат туғанди, олам салотин ва ашров ва аҳборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтиким, қуёш нуқта эътиқодли

рабийига таҳвил қилиб эрди ул бинода тахт устига ўлтириб, адалат сайт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул кунининг отин Наврўз қўйди".

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарига шундай баён қилади: "Аб-босийлар халифаси ал-Маъмун (810-833 йилларда подшолик қилган) ўзининг яқин кишилари бўлмиш Али ибн Мусо ар-Ризодан "Наврўз нима?" деб сўраганда, у: "Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайгамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки Қуёш шу кунда яратилган, у замоннинг биринчи кундир", деган.

Наврўз бугунга қадар яшариш, тириклик, ризқ-рўз, тотувлик, меҳр-оқибат тимсолида нишонлаб келинади. Наврўзнинг ёшини биз ҳаётийлик қадар, десак хато қилмаймиз.

# МАЖБУРИЙ ИЖРО ТИЗИМИГА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

ЖОРИЙ йилнинг 12 март куни Президентимизнинг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда 2019 йилнинг 1 апрелидан бошлаб суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институти жорий этилиши белгиланди. Медиация амалга ошириладиган пайтда ижро иши 15 кундан кўп бўлмаган муддатда тўхтатиб турилади. Бунда томонлар ўртасида ижро предметига доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда ижро иши охирига қадар қилиниши белгиланди.

Медиация атамасини келиб чиққан низо томонлари ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмағида ҳал қилиш усули сифатида тушуниш мумкин. Хўш, мазкур Қарорга кўра медиация усули ижро тизимига қай тартибда қўлланилади?

Мазкур Қарор ижро тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда ижро иши юритувида сансалорликка чек қўйиш мақсадида қабул қилинди. Бу йўлда медиация усули қай даражада қўл келади ва наф беради?

Қарорнинг асосий моҳиятини Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сўбат тадқиқот институти ходимлари таҳлил этидилар.

## МАЖБУРИЙ ИЖРО ФАОЛИЯТИ: 2 ЙИЛ

Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги Фармони билан Бош прокуратура ҳузурида энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишига, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга, шунингдек, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашга масъул бўлган Мажбурий ижро бюроси ташкил этилган эди.

Mib.uz веб-сайтида (<https://mib.uz/video>) эълон қилинган маълумотларга кўра, Бюро ташкил толангандан 2019 йил январь ойига қадар, яъни бир ярим йил давомида энергия ресурслари ва сув бўйича 39,5 триллион сўмдан ортиқ пул маблағи ундирилган. Ушбу маблағларнинг 18,2 триллион сўми табиий газ, 20,2 триллион сўми электр энергияси, 1,1 триллион сўми сув таъминоти соҳасидаги ундирувлар ҳисобига тўғри келади.

Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, маблағларни ҳақоний ундириш ва бу борадаги суиистеъмоллик ҳолатларининг олдини олиш Мажбурий ижро бюроси органларининг асосий вазифаларидан саналади. Бу йўналишда ҳам давлат ижрочиларининг ишчи тўғри ташкил қилганлиги ва замонавий ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан тўғри фойдаланиши натижада 25,6 триллион сўм ундирилган. Таҳлиллар Бюро фаолияти даврида ундирув 43,3 фоизга ўсганини кўрсатади.

Бюро томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 11 ойи давомида Бюро органларида 2 408 063 та ижро ҳужжати келиб тушган, 2 734 267 та ижро ҳужжати амалда ундирилиб ижро этилган, 98 209 та ижро ҳужжати бўйича ундирув иш ҳақига қаратилган. Маъмурий амалиёт бўйича 2018 йилда 50 864 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 69 708 та ҳолатда жарима қўлланилган.

Ушбу ҳолат мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ижро иши юритишнинг самарадорлигини ошириш бўйича ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлигини кўрсатади.

Президентимизнинг 2019 йил 12 мартдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қароридан бу борада кўпмақсадли ва ижобий ўзгаришлар қилиниши кўзда тутилган. Хусусан, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институти жорий этилади.

## МЕДИАЦИЯ НИМА?

"Медиация" сўзи латин тилидаги "mediare" сўзидан олинган бўлиб, воситачилик қилиш, келиштириш мақсадида аралашуш, деган маъноларни билдиради.

Медиация шундай жараёни, унда учинчи томон (медиатор) бепараф позицияда бўлиб, икки томоннинг ихтиёрий розилиги асосида улар ўртасидаги зиддиятни бартараф қилишга ёрдам беради. Медиатор келишолмаётган томонларнинг позициясини чуқур тушунган ҳолда ўзаро тинч йўл билан келишувга, ҳар иккала томоннинг хоҳиш ҳамда истакларини инобатга олган ҳолда муаммонинг самарали ечимини топишга кўмаклашади.

Медиация, медиатор тушунчаларига "Медиация тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда таъриф берилган бўлиб, медиация — келиб чиққан низо томонлари ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмағида ҳал қилиш усули бўлса, медиатор медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс ҳисобланади.

Медиация махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислиги принциплари асосида амалга оширилади. Тарафлар ва медиатор медиация иштирокчилари бўлиб, жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам медиация тарафларини бўлиши мумкин. Медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилиб, медиация тартиб-таомиллари амалга ошириш чоғида давлат органининг бевоқиф аралашуви тақиқланади.

Медиация тартиб-таомилли медиация тартиб-таомиллини амалга ошириш тўғрисида тарафлар томонидан келишув тузилган кундан эътиборан бошланади. Келишув ёзма шаклда тузилади. Уни амалга ошириш муддати келишувда белгиланади. Медиация тартиб-таомиллини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо ҳусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади.

## МЕДИАЦИЯ ЖОРИЙ ЭТИЛСА ИЖРО ИШИ ЯНАДА СОДДАЛАШАДИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мақсади ҳам айнан медиаторлар иштирокида низоларни муқобил ҳал қилиш усулларининг ривожланишига ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Мисол учун медиация амалга ошириладиган пайтда ижро иши 15 кундан кўп бўлмаган муддатда тўхтатиб турилади. Томонлар ўртасида ижро ишининг ҳар қандай босқичида медиация тартиб-таомиллини амалга ошириш натижалари бўйича ҳар предметида доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда давлат ижросини ижро иши юритишни тугатади.

Медиация жараёнининг тўғри ташкил этилиши тарафлар низолашишни тўхтатиб, келишув битимини тузишга имкон яратади, бу эса низо тарафларига вақтни, пулни ва эмонал ресурсларини тежашга ёрдам беради.

Ҳуқуқшунос олим Ф.Отахоновнинг ёзишича, медиацияни ўрганмиш бўйича халқаро тадбирларда унинг самарадорлиги бўйича бир қанча рақамлар келтирилади. Масалан, АҚШда мазкур процедурадан ўтган ишларнинг 95 фоизи суд муҳокамасигача етиб бормаган. Германияда медиациянинг кўрсаткичлари катта таассурот қолдиради — 90 фоиздан кўпроқ музокаралар тарафларнинг келишув битими билан якунланган. Қуйи Саксонияда самарадорлик 97 фоизни ташкил этади. Буюк Британияда 90-95 фоиз низоли ҳолатлар суд муҳокамасигача ҳал этилади. Европада медиациянинг самарадорлиги ўртача 40-80 фоизни ташкил қилади.

## АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ: ИЖРО ИШИ ОЧИҚ, ШАФФОФ, ХАЛҚҚА ЯҚИН БУЛАДИ

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Тошкент шаҳрининг Мажбурий ижро бюроси Яқкасарой тумани ва Навоий шаҳри бўлимларида тажриба сифатида ижро ҳужжатларини автоматлаштирилган тизим орқали давлат ижрочилари ўртасида автоматлаштирилган тақсимлаш тартиби жорий этилади.

Ҳар бир соҳага ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш замон талабларидан биридик. Ушбу тизимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, албатта, уларнинг фаолиятини кузатиб бориш ва ижро ишларининг кўриб чиқилиш самарадорлигига таъсир этмасдан

қолмайди. Инсон фаолиятининг барча соҳалари компьютерлаштирилган. Бугунги кунда жамиятни ахборотлаштиришнинг ўсиши барча соҳаларда намоён бўлмоқда. Шу сабабли суд ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш фаолиятига ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этиш мазкур фаолият ишини ташкил этиш ҳамда таъминлашда юқори самарадорлик кўрсатади, ижро иши юритиш фаолиятининг очиқ, ошкора, халққа яқин бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда суд ва бошқа органлар ижро ҳужжатларини давлат ижрочилари ўртасида тақсимлаш ёзма шаклда, Бюро бўлимлари бошлигининг ёзма кўрсатмасига мувофиқ ёпиқ шаклда амалга оширилоқда. Ундирувчи ёки қардор унга тааллуқли ижро ишини ким юритаётганини билмайди.

Автоматлаштирилган тизим вазифалар тақсимотида келиб чиқиб, масъул давлат ижросининг автоматик равишда ўзи белгилайди ва бир вақтнинг ўзида бу ҳақида ижро иши юритиш тарафларига ҳам хабар қилинади.

Жаҳон амалиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, ижро иши юритишга оид ишлар ҳар қандай тарафлар ва бошқа шахслар манфаатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тақсимланishi лозим. Бундай тақсимлаш иш ҳажмига ёки алифбо тартибиде ёхуд бошқа аналог шаклда амалга оширилиши мумкин.

## ИШ ҲАЖМИ ТАҚСИМОТИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН РЕЖИМИГА ЎТИШ:

Биринчидан, ҳар бир давлат ижросини зиммасидаги иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда иш ҳажми тенг бўлишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, узоқ муддат талаб қилинадиган ижро ишлари бўйича иш олиб бораётган давлат ижросини енгиллик берса, дарҳол ижро этиладиган ижро ишлари билан иш ҳажми кам бўлган бошқа давлат ижросини шуғулланиши имконини беради; иккинчидан, давлат ижрочиларининг ихтисослашувига ижобий таъсир қилади. Мазлум бир соҳага ихтисослашган, бошқа соҳалар билан қалғиман давлат ижросининг меҳнат самарадорлиги ошади;

учинчидан, ижро иши юритиш соҳасидаги қонун талабларига риоя этилиши, давлат ижрочиларини танлашнинг ҳолисона тизими йўлга қўйилади.

Ижро ишини юритиш жараёнида самарали ва инновацион ёндашув орқали қўлланган ахборот-коммуникация технологиялари ҳар қандай шубҳага ўрин қолдирмайди, яъни инсон омилга боғлиқ бўлмайди. Ижро ишини юритиш фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши келгусида сифатли ижро ҳаракатларини олиб бориш, тўлланган маълумотларни электрон архивлаштириш, ижро иши процесси иштирокчиларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқларини бир хилда таъминлаш ва Бюро органларининг очиқлиги, қабул қилинадиган қарорларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, бу ҳолат фуқароларга олиб бориладиган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга ишонч уйғотади, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик ва адолатчилик каби конституциявий принципларга оғимшай риоя этишни амалда кўрсатади. Ахборот коммуникацияларини ижро ишини юритиш фаолиятига жорий қилиш инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини янада кучайтириш, шунингдек, тизимда коррупция билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга барҳам беришга хизмат қилади.

## СОҲАГА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ЗАРУР

Қарога кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида тизимли равишда давлат ижрочиларининг малакасини ошириш дастурлари ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

"2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ташкил этилди.

Академия Ўзбекистон Республикаси про-

куратура органларининг таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланиб, унинг асосий мақсади прокуратура органлари ходимлари ва бошқа кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш ҳамда фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришдан иборат.

Давлат ижрочилари малака оширишнинг тизимли жорий этилиши натижасида: уларнинг назарий билимлари мустаҳкамланиб, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари шаклланади, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларини қўллаш маҳорати ривожланади;

иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, осланган қарорлар қабул қилиш кўникмалари ривожланади;

қонунчиликдаги долзарб янгиланган, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан танишади;

кейинги фаолиятида ижро иши юритиш самарали ташкил қилишида ижобий самара беради.

Ўқув жараёнида тингловчиларнинг назарий тайёргарлигини такомиллаштириш билан бирга амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

## АСОСИЙ МУАММО...

Бугунги кунда юридик кадрларнинг амалиётда ишлашга тайёрглиги масаласи асосий муаммолардан бири саналади. Муайян билимларга эга бўлиш яхши мутахассис бўлиб дегани эмас. Давлат ижросини билимини самарали қўллаш олиши керак. Дарҳақиқат, таълим амалиёт билан узвий боғлиқлиги тақозо этади.

Юридик кадрларнинг салоҳияти меҳнат бозори талабларига жавоб бериши, шунингдек, ўқув дастурлари замон талабларидан ортиқ қолмаслиги ва реал ҳаётдан узилиб қолмаслиги, таълим дастурларини амалиёт талабларига яқинлаштириш ҳамда таълим ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган зарурий чораларни кўриш лозим.

Чунки мамлакатимизда кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш узлуksиз таълим тизимининг мустақил босқичи ҳисобланади.

Давлат ижрочилари малакасини оширишнинг амалдаги ўқув режалари ва дастурлари, бу борадаги ишларни ташкил этишга доир ёндашувлар ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқлигини лозим даражада таъминлаш ва замонавий талабларга жавоб бериши лозим.

Ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлиги тингловчиларни қарор қабул қилишда "қолипли фикрлаш"дан йироқлаштириб, ижодий ёндашув асосида қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантиради.

Бундан ташқари, давлат ижрочиларининг малакасини ошириш борасидаги ишларни такомиллаштириш борасида мазкур тизимда масофали таълим шаклини ҳам жорий қилиш лозим. Ҳозирги кунда қўллаб ривожланган давлатларда масофали таълим шакли кенг қўлланади. Бундай таълим шакли, айниқса, малака ошириш тизимида жуда қўл келади. Янги қонун ҳужжатларини масъул ижрочиларга тезкорлик билан етказишда у энг қулай ва мақбул восита ҳисобланади. Масофали ўқитиш кенг доирадаги тингловчиларни қамраб олиши билан бирга таълим харажатларини қисқартириш имконини беради.

Юқоридагилардан қўзланган асосий мақсад, ижро тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда ижро иши юритишда сансалорликка чек қўйишдир.

Сардорбек АВЕЗОВ,  
Ҳуқуқий сўбат тадқиқот институти  
"Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни ўрганиш"  
бўлими бош маслаҳатчиси

# Инсонлар бахтли бўлиш уйун тени ҳуқуққа эга

# 20

МАРТ



— ХАЛҚАРО БАХТ КУНИ

“ОДДИЙ одамлар бугунги кунда бўлаётган ўзгаришларни сезиши керак. Улар эртага эмас, бугун яхши яшашни истади. Уларга бугун яхши шароит яратиб беришимиз лозим. Барча амалга ошираётган ишларимиздан кўзланган мақсад-муддао халқимизнинг бахту саодатидир”. Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаганидан оқибатда ана шу ҳаққоний талабни илгари сурди.

Кейинги йилларда “Буёқ келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз”, деган шир ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллади. Турли соҳалардаги шиддатли ислохотлар ягона, эзгу бир мақсадга — халқимиз, энг аввало, ёшларимизнинг ҳаётини янада обод ва фаровон, мазмунли ва бахтли қилишга қаратилган.

Этибор беринг: “Бахт кулгу бор уйга кирар”, деган ўзбекча нақл японларнинг “Табассум бор уйни бахт йўқлаб келар” мақоли билан жуда ўхшаш. Қолаверса, “Инсон бахт изламайди, бахт инсонни излайди”, дейди турклар. Швецияликларнинг лутф этишича, “Бўлишилган бахт икки марта кўп, бўлишилган дард икки марта кам”.

Бу ҳақда фикр юритганда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2012 йил 28 июнда қабул қилинган резолюциясига биноан ҳар йили 20 март — Халқро бахт куни сифатида бутун дунё миқёсида нишонлаб келинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан кўзланган мақсад сайёраимиздаги ҳар бир инсоннинг бахту саодатга интилишини кенг рағбатлантиришдир.

Бутан Қироллиги тақлиф қилган мазкур ғоя БМТга аъзо 193 та мамлакат томонидан бирдек қўллаб-қувватланган. Шу тариқа бундан етти йил аввал БМТ Бош Ассамблеясининг А/RES/66/281 рақамли резолюцияси мисолида халқро ҳамжамияти “Бахтга интилиш — дунёдаги барча инсонларга хос яқдил орзу-тилақдир”, деган фикрни тўла маъқуллади.

Байрам куни сифатида айнан 20 март танлангани бежиз эмас. Чунки ушбу сана баҳорий фанг кунлик, яъни кун ва тун тенглашадиган Наврўз айёми арафасига тўғри келади. Бунинг замирида Ер юзидagi барча инсонлар бахтли бўлиш учун тенг ҳуқуққа эга эканига адолатли ишорат бор.

## БАХТГА ҚАНДАЙ ЭРИШАМИЗ?

Ҳар бир инсон бахтли бўлишга ҳақлидир. Бахтли бўлиш жуда ҳам осон. Бунинг учун фақат ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракат зарур. АҚШнинг Миннесота университети олимларининг тадқиқотлари кўрсатишича, инсон тўлиқ бахтга эга бўлиши учун, ав-

вало, унга бахтиёрлиги даражасининг 50 фоизи ген орқали ўтади. Яна 10 фоиз бахтга турмушдаги маъмурчиликлар тўғрисида эришилса, бахтнинг қолган 40 фоизи учун ақл-тафаккурни ишлатиш тақозо этилар экан.

Инсон ҳаёти давомида ҳамisha бахтга интилиб яшайди. Кимдир бахтни моддийлик билан боғласа, бошқалар маънавий бойлиқни унинг бош омилли сифатида эътироф этади.

Бахт ўзи нима? Бахт — бу тақдир, насиба, улуш. Бахт — инсоннинг ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиш ҳисси. Бахт — ҳаётдан мамнунлик, мурод-мақсадга етиб, орзу-умидларнинг ушалгани.

Бахт — нафсининг поклиги, қалбнинг хотиржамлиги, дилнинг кенглиги ва виждоннинг таскинли ҳамдир.

## БАХТ ҲАҚИДА МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ

Мутахассислар фикрича, кишиларнинг бахт ҳақидаги тасаввурлари ижтимоий тузум ва жамиятдаги муносабатлар билан узвий боғлиқ. Чинакам бахтли бўлиш учун ҳар бир шахс эркин, тенг, ўз истеъдоди ва хоҳиш-иродасини ҳар томонлама намоён қилиш, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиши зарур.

Шунингдек, бахтга эришиш учун ҳар бир шахс жамиятда, оилада муносиб ўрнини топанг, бурч ва масъулиятини англаган бўлиши лозим. Одам онги, тафаккури, дунёқарashi, хатти-ҳаракати, ҳулқи, ақл-заковати билан бахтли бўлиш учун интилиши ва курашиши даркор. Инсон ўз тақдирини халқ, Ватан тақдирини билан уйғунлаштиришдагина тўла бахтли бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда ушбу халқро сана ҳар йили кенг нишонланади. Шу ўринда мазкур байрамнинг БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан тасдиқланган инглизча номи (International Day of Happiness) ўзбек тилида икки хил, яъни айрим ўринларда — “Халқро бахт куни”, баъзан эса “Халқро бахт-саодат куни” шаклида қўлланаётганига эътибор қаратиш жоиз.

Расман ёндашганда, халқро сана номи бирхиллаштириш мақсада мувофиқ,

албатта. Мазмунан олиб қараганда, бахт ва саодат — ўзаро уйғун тушунчалар бўлиб, улар бирикканида бир-бирининг маъно товланишларини янада ёрқинлаштиради.

## ВАТАНИ БОРНИНГ БАХТИ БОР, МЕҲНАТИ БОРНИНГ — ТАХТИ

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу асосда ишлаб чиқилган қонунлар халқимиз бахт-саодатининг ҳуқуқий пойдеворидир. Конституцияимизнинг “Бахтимиз Қомуни”, дея эъзозланиши боиси ҳам аслида шунда.

Давлат байроғи — халқимизнинг шонли тарихи, бугунги саодатли ҳаёти ва ёруғ келажак рамизи. Давлат гербида акс этган Ҳумо қуши — бахт-саодат ва эркесарлик тимсоли. Давлат мадҳияси “Серкўёш, хур ўлкам, элга бахт, нажат”, деган сурурбахш каломлар билан бошланиши айни мудоао.

“Харакатлар стратегияси”ни шу улғу мақсад илоботи учун ишлаб чиқилган ва ҳаётимизга чуқур таъбиқ этилаётган улғу Бахтнома сифатида кўраимиз.

## ҚАЙСИ ЕРДА ИЛМУ МАЪРИФАТ КУЧЛИ БЎЛСА, ЎША ЕР БАХТ МАСКАНИ ХИСОБЛАНДИ

Тарбия ва маърифат — тараққиётнинг қўш қаноти. Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди. Президентимизнинг фикрича, “Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”.

Дунёнинг Бутан, Бирлашган Араб Амирликлари, Венесуэла, Эквадор, Шотландия каби давлатларида Бахт вазирлиги борлиги ҳақида ҳайрат билан гапираимиз. Моҳиятан олиб қаралса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги ташкил этилган Мактабгача таълим вазирлиги — Ўзбекистоннинг том маънодаги Бахт вазирлигига айлиниши лозим.

Ўз навбатида, Президент мактаблари, Темурбеклар мактаблари ҳам шундай мақомда бўлиши керак.

## ВАТАН ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Кейинги даврда қанчадан-қанча юртдошларимиз шаҳару қишлоқлар бағрида қад ростлаган кўркам, замонавий, шинам ва қулай, арзон, ҳатто бепул уй-жойларга кўчиб ўтди. Ўз уйи — бахт кўрғонига эга бўлган инсонлар энди гоят бахтиёр.

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛАТЛАРАРО

### ТОТУВЛИК АНЪНАЛАРИГА СОДИҚ

Юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга юқори даражада эътибор қаратилади.

Ўтган йили 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик” номи махсус резолюция қабул қилинди. 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 72-сессиясида илгари сурилган Ўзбекистон Президентининг ушбу ташаббуси жаҳонда экстремизм, терроризм муаммоси авж олиб, турли дин ва эътиқод вакиллари нисбатан тоқатсиз, муросасиз муносабатлар кузатилаётган бир вақтда глобал таҳдидларга қарши курашишини самарали воситаси сифатида маърифат, таълим-тарбия масаласини халқро ҳамжамият кун тартибига қўйгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқро ислом академияси барпо этилиши — буларнинг барчаси халқро даражадаги йирик лойиҳалардир. Ушбу ташаббусларнинг аҳамияти шундаки, илм-маърифат, маданият замини бўлган Ўзбекистонда маърифий ислом ғоялари тарқалиши, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик таълимотларини ёйиш бўйича Мовароуннаҳрда шаклланган тарихий мактаблар аънасининг давом этиши “Жаҳолатга қарши — маърифат” билан курашишнинг энг самарали ечими ҳисобланади.

## БАХТ — ШУНДАЙ НОЁБ НЕЪМАТКИ... БУГУН ДУНЁ ЭЪТИБОРИДАМИЗ

Дунёнинг энг бахтли мамлакатларини аниқлашга қаратилган турли халқро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрни мунтазам баландликда бормоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисидаги миллий иқтисодий изчил ва барқарор ривожланиётгани, ижтимоий ҳаёт тобора юксалаётгани, Ватанимизнинг халқро обрў-эътибори муттасил ортаётгани самарасидир.

Халқро экспертлар фикрича, юртдошларимиз ўзларининг бахтиёрлиги даражасини фақат етарли бойликка эгаллиги, яъни иқтисодий омил билангина белгиламайди. Ўзбекистонликлар асл бахту саодат — инсонларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабатига, ўзаро меҳр-оқибат, ишонч ва садоқат, бағрикенглик ва ҳамжихатликда, шунингдек, миллий ҳамда умуминсоний кадриятларни ҳурмат қилишдадир, деб ҳисоблайдилар.

Ғулум МИРЗО,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист

## — ТАКЛИФ БОР!

# СУД ЭКСПЕРТИ: бу соҳага ишимиз тушганми?



ЖИНОЯТЧИЛИККА қарши курашда суд экспертиза имкониятидан фойдаланиш жуда муҳим. Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги “Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарориди илмий тадқиқотлар натижаларини суд-экспертлик фаолиятига таъбиқ этиш, суд-экспертларнинг ўтказиш услубини такомиллаштириш, суд-экспертиза муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, суд-экспертлик фаолиятини мавжуд камчиликларни аниқлаш, уларни

бартафат этиш ҳамда суд экспертизани жиноятларни очиш ва тергов қилиш жараёни криминалистик таъминотининг ривожланиш истиқболларини ўрганиш ҳамда такомиллаштириш борасида тегишли илмий изланишлар олиб боришга эҳтиёж сезилади. Чунки республикаимизда бу борада қилинмаган ишлар жуда кўп, жумладан, суд-экспертларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларининг йўқлиги, эксперт ҳулосасининг кириш, тадқиқот ва яқиний ҳулосаларни қисмидаги ҳамда далилий ашёларни таърифлаб ёзишдаги камчиликларнинг мавжудлигини ҳозирги кунда инкор этиб бўлмайди.

Экспертнинг мажбуриятига

экспертиза объектини сақлаш ва тўлиқлигини таъминлаш қиради. Агар объект экспертиза қилиш жараёнида тўлаллигини йўқотган ёки қисман бузилган ёки шакли ўзгарган бўлиб, бунинг натижасида қайта экспертиза ўтказиш имконияти қолмайдиган ҳолатга келиши мумкин бўлган тақдирда, эксперт жиноят ишини юритаётган органдан тегишли рўхсат олиши ва бундай натижаларнинг бўлиши тўғрисида огоҳлантириб қўйиши шарт.

Ушбу мавзу бўйича махсус криминалистик адабиётларни ўрганиш ҳамда бой амалий тажрибага эга бўлган суд-экспертларнинг фикрларини таҳлил қилиб, экспертиза натижалари ва эксперт ҳулосасининг расмийлашти-

ришда қуйдагиларни тақлиф қиламиз:

биринчидан, суд экспертиза муассасалари раҳбарлари тергов ва суд органлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечиришда суд-эксперти иштирокида олинган ҳамда экспертиза тайинлаш учун тақдим этилган ашёвий далиллардан фойдаланиш фаолиятини биргалликда таҳлил этишнинг лозим; иккинчидан, тергов ва суд органлари томонидан экспертиза ҳулосаларини жиноятларни очиш ва тергов қилиш фаолиятини қай даражада фойдаланганликларини мунтазам таҳлил қилиб боришлари керак;

учинчидан, суд-экспертларининг иш фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш (масалан, ўтказилган экспертиза тадқиқотларининг миқдори, сифати, экспертиза натижаларини расмийлаштириш фаолияти, қўйилган саволларга жавоб бериш сифати ва шу кабилар);

тўртинчидан, суд-экспертиза муассасасининг фаолиятига

мавжуд назорат ҳужжатлар, ҳужжатлаштириш ҳамда иш юритиш фаолиятининг тўғриллигини мунтазам равишда текшириш. Бу фаолият натижасида ҳисобга олиш рўйхатга олиш журналларини юритиш, экспертиза натижаларини ва эксперт ҳулосаларини расмийлаштириш жараёни тўғри юритилаётганлиги аниқланади, камчиликларга йўл қўйилмаслигига эришилади;

бешинчидан, тадқиқот объектиларини текширишда экспертиза тадқиқотлари имкониятидан тўлиқ фойдаланмаслик ҳолатларини аниқлаш ва бунга нисбатан тегишли чоралар қўриш лозим. Чунки юқоридagi каби ҳолат суд-экспертларининг фаолиятида масъулиятсизликини қаелтириб чиқаради ва натижада бутун тишим самарасиз иш олиб боради.

Мадина МУҲАМЕДЖАНОВА,  
Адлия вазирлиги ҳуқуқшунаси  
Х.Сулаймонова номидаги  
Республика суд-экспертизаси  
маркази давлат суд-эксперти

## ТАШКИЛОТ ЎЗ ИШЧИСИНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАШИ КЕРАК?

— ҲАРБИЙ хизмат ёки меҳнат вазифаларини бажариш вақтида майибланиш ва касалланиш оқибатида гуруҳ ногирони бўлиб қолса, муассаса ёки ташкилот томонидан моддий ёрдам бериладими?

**Камол ҚЎШБАҚОВ,**  
Чирчиқ шаҳри



— Қонунчиликка мувофиқ, ходимга жароҳат ёки соғлиғига бошқа шикаст етказилганда жабрланувчининг олган ёхуд олиши мумкин бўлган йўқотган иш ҳақи (даромади) тўланади.

Зарар ҳар ойда жабрланувчининг ўртача ойлик иш ҳақига фоизларда, соғлиғига шикаст етказилиши сабабли қилинган қўшимча харажатлар компенсацияларда, шунингдек, белгиланган ҳолларда бир марталик нафақалар тўлашда қопланади.

Жабрланувчининг йўқотган иш ҳақи таркибига: ҳам асосий, ҳам даромад солиғи ундирилдиган ўриндошлик иш жойи бўйича меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича барча меҳнат ҳақи турлари; тадбиркорлик фаолиятдан олинандиган даромади (солиқ инспекцияси маълумотлари асосида); муаллифлик ҳақи; вақтинчалик меҳнатга лавҳатсизлиги ҳамда ҳомиладорлик ва туғуруқ таътиллари даври учун тўланган нафақалар киритилади.

Ҳарбий хизматчи ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажараётганда тан жароҳати олганда уларга нафақа:

оғир тан жароҳати олганда — пул таъминоти ойлик маошининг 25 баробаригача бўлган миқдорда;


ўртача оғир тан жароҳати олганда — пул таъминоти ойлик маошининг 10 баробаригача бўлган миқдорда тўланади.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларга куйидаги миқдорларда сугурта тўловлари ҳам тўланади:

хизматни ўташда ҳалок бўлганда ёки хизматдан бўшагандан сўнг бир йил мобайнида олинган жароҳат натижасида вафот этганда — унинг меросхўрларига энг кам иш ҳақининг 84 баравари миқдорда;

I гуруҳ ногиронига энг кам ойлик иш ҳақининг 63 баравари, II гуруҳ ногиронига 42 баравари, III гуруҳ ногиронига 25 баравари миқдорда, оғир жароҳатланганларга 17 баравари ва енгил жароҳатланганларга 8 баравари миқдорда.

## УЙГА АРИҚ СУВИНИ КЕЛТИРИШ УЧУН ЙЎЛ ЙЎҚ. БОШ ҚОТДИ...



— **БИЗНИНГ** уйга ариқ суви келиши учун қўшниларимизнинг уйи олдидан ўтиб боришимиз керак. Бир қўшнимиз бу ариқ ёнидан уй қурмоқчи. Биз ариқ сувини очиб келишимиз учун бу атрофда бошқа йўл йўқ. Бундай вазиятда нима қилиш мумкин?

**Абдурауф ОТАЖОНОВ,**  
Чироқчи тумани

— Кўчмас мулк эгаси қўшнисининг еридан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақли бўлиб, бу қонунчиликда сервитут, дейилади.

Сервитут куйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин:

ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш;

ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш;

ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш;

ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни сугориш учун сув олиш;

молларни ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш;

ўзганинг ер участкасидан қидирув, тадқиқот ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш;

ўзганинг ер участкасида шота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш.

Сервитут ўзаро келишувга мувофиқ белгиланади. Агар сервитут тўғрисида тарафлар ўзаро келиша олмасалар, унда сервитут даъво аризаси бўйича суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланади.

## УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ. БУ НИМА ДЕГАНИ?

— ЁЛҒИЗ кекса шахсни доимий равишда парваришлаб келмоқдаман, унинг фарзандлари ҳам, бошқа қариндошлари ҳам йўқ. Шу сабабли уй-жойини вафотидан кейин менга қолдирмоқчи. Бу ҳолатни унинг вафотидан олдин қонунийлаштириш мумкинми?

**Севара АЛИЕВА,**  
Қўқон шаҳри



— Ҳа, мумкин. Бунинг учун Сиз умрбод таъминлаш шarti билан уй-жойни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси тузишингиз лозим. Унга мувофиқ, бир тараф ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лавҳатсиз бўлган бошқа тарафни натура ҳолида (уй-жой бериш, оқат-лантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жойни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим.

## ОТМ ЛАРДА ГУРУХ НОГИРОНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҚАНДАЙ?

— I ГУРУХ ногирониман, университетдан академик таътил олгандим. Энди ўқишимни қайта тикламоқчиман, бюджет асосида ўқишга кирганман, контракт бўлиб ўқийсан, дейишяпти, шу тўғрими? Мен қайта бюджет асосида ўқишим мумкин эмасми?

**Азиз БЕГМАТОВ,**  
Бухоро вилояти




— Мумкин. Давлат грантлари бўйича таълим олган етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (захирага бўшаган кунларидан бошлаб уч йил мобайнида), академик таътилдан белгиланган муддатда қайтган шахслар ўқишга давлат грантлари ўринларига қайта тикланиши лозим.

## ХОРИЖИЙ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛГАНДА...

— **РОССИЯДА** ҳайдовчи бўлиб ишлайман, миниб юрган машинами Ўзбекистонга вақтинча олиб келсам қанча бож тўлайман?

**Оллоберган ДЎСТОВ,**  
Россия Федерацияси,  
Тула шаҳри



— Хорижий автотранспорт воситаси Ўзбекистонга олиб кирилаётганда божхона постни ходими томонидан "Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома" расмийлаштирилади.

Мажбуриятнома расмийлаштирилган автотранспорт воситалари 90 кунгача божхона божлари ва солиқлар тўлашдан озод этилади.

Мазкур муддат ўтганидан сўнг автотранспорт воситасини Ўзбекистонда бўлишига ҳар бир кун учун девгатель ҳажмининг ҳар куб. сантиметрдан 0,01 АҚШ доллари миқдорда йиғимни тўлаш шarti билан йўл қўйилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими  
Дилмурод РАЖАБОЕВ жавоб берди.

Хира тортган дераза ялт этди — берсарҳад само багрига бир парча ёғду сингиб кетди. Шаҳар аҳли буни пайқаммади.

Тубсиз фалакиётнинг энг олис нуқтаси, одамиятнинг ақл-заковат чироғи шуъласи етмаган, оламиятга ҳали номаълум ўзга сайёрада эса кутилмаганда бесаранжомлик бошланди.

Мавҳумот сайёраси етакчисининг топшириғи шундай бўлди: “Нур қаердан келди? Аниқланг”.

Икки Мавҳумот ўша жой — нур таралган уй тепасига келишди. Улар ғаройиб бир манзаранинг гувоҳи бўлишди.

Тонг пайти. Ўзбек хонадони. Қувиғи тўлиб уйқудан уйғонган уч ёшли болакай туртиниб-суртиниб айвонга чиқади. Курсига чўккан ота столдаги қўл-телефон экранидан кўз ўзмайди, стол гирдига кўксини бериб, телефон ойнасини бармоқлари билан пайпаслайди, гоҳида бош чайқаб кўяди. Ошхонада андармон она бошини чапга қийшайтириб қулоғидаги телефонни елкаси билан қисиб турган кўйи кимларгадир шангилляпти, икки қўли банд. Болакай бобосининг хонаси томон йўл олади. Бобо ҳам банд — телефон ойнасидан кўз узмайди. Емакхонада диванда чайқалиб ўтирган момосининг бармоқлари телефон ойнаси узра худди мусика чалаётгандай сирли ҳаракатланади — момо дугонасига хат ёзаяпти. Опанинг хонасида ҳам аҳвол шу. Опа қулоқларига алламбало сим тақиб олган кўйи ўтирган жойида чайқалади, у ҳам телефон экранига ёпишиб олган — кўшиқ эшитаяпти. Ака қаршисида турган норасидага бепарво қаради-да, яна қўл-телефон ойнаси орқали ким биландир бақир-чақир қилди. Бола йўлакка чиқди, ҳожат эшигига қўл чўзди. Очолмади. Отани тортқилади. Ота тош қотган. Онани тортқилади. Она бошини йўқотган. Бобо билан момо ҳам бу дунёда эмас — телефон дунёсига чиқмайдиган бўлиб кириб кетишган. Опа жеркиб берди, ака қувиб солди. Ахир улар банд — гаплашиаяпти.

Уларнинг кўзлари ҳеч нарсани кўрмасди. Гўё улар кўр эдилар.

Уларнинг қулоқлари ҳеч нарсани эшитмасди. Гўё улар кар эдилар.

Улар тош эдилар.

Улар дунёдан узилиб қолишганди.

— Улар қўлидаги матоҳсиз яшай олишмаскан, — деди биринчи Мавҳумот.

— Улар ўз жонини қўлида олиб юришаркан, — деди иккинчи Мавҳумот.

— Ундай бўлса болакайнинг қўлидаги “жон” қани?

— Йўқотиб қўйганга ўхшайди.

Болакай чидамади, турган жойида, холли гилам устига нам этди — сийиб қўйди. Сўнг йиғлаб юборди.

Хонадон аҳли дастурхон атрофида йиғилишди. Даданинг кўзи телефонда. Ойи телефондан узилолмаяпти, нима еб, нима ичаётганини ҳам сезмаяпти. Момо телефон-интернет орқали бобога аллақандай фавқуллоҳда хабарни ўқиб бераяпти. Опа ўйин ўйнаш билан банд. Ака қаергадир кўнгирак қилди, ҳали жавоб келмасданоқ, ўрнидан дик этиб туриб, ўзини бошқа хонага урди. Бола қўлматохга қўл бўлиб ўлгур бу даврага мўлтираб боқди.

Улардан озгина эътибор кутди, меҳр кутди... Улар банд эди — бола панд еди, ёлғизлик ҳисси юрагига оғирлик қилди, чинқириб йиғлаб юборди. Ойи унга бир қараб қўйди-да, сўнг опасига ўқрайди, опаси ўрнидан шахд туриб



Кўчқор НОРҚОБИЛ

# ЗАМИННИ ҚУТҚАР, БОЛАКАЙ!

Ҳикоя

жаҳл билан унинг бир қўлидан кўтариб ичкарига олиб кириб кетди, кейин ўз хонасига чиқди-да, қулоқларига қулоқчин тақиб қийшанглаб рақсга туша бошлади. Бола китоблар тахланиб ётган нимқоронғу хонага кириб борди.

Димоғига зах ҳиди урилди. Хона тоб ташлаб қолган, ерда сочилиб ётган китобларни эса чанг қоплаган. Хона оиладагиларнинг аллақачон эсидан чиқиб кетган эди. Болакай қалтан-султанг юриб пастки жавондаги китобга қўл чўзди. Тиктахлам орасидан уни бир амаллаб суғуриб олди — китоб анча оғир эди, болакай ўтириб, қолди. У умрида биринчи марта китоб саҳифаларини варақлай бошлади. Юзига алланечук тафт урилиб, ланг очик китоб саҳифаларидан ёғду таралгандай бўлди, боланинг кўзлари қамашиб кетди. Хона деразасидан лангиллаб ёришган ёғду отилди-да, тонг салтанати ёйила бошлаган борлиқни тилкалаб олис самовотга сингиб кетди.

Кузатувчи мавҳумозлар ёғдунинг қаердан таралганини билишди. Ортга, ўз сайёралари томон қайтишди.

— Болани асраб қолиш керак, — деди биринчи Мавҳумот ортага қайта-этиб.

— Одамлар ўз кашфиётининг қурбонига айланиб боришмоқда, — деди иккинчи Мавҳумот...

Мавҳумот сайёрасининг кузатув сарҳадида яна шундай гап-сўзлар бўлиб ўтди:

— Улар неча йил яшашаркан?, — сўради сайёра етакчиси.

— Жуда оз. Бизнинг бир дақиқамизга уларнинг юз йили тўри келар, эҳтимол, — деди биринчи Мавҳумот.

Етакчи: — Нимадан хафсира-

япсизлар? Ачинаяпсизларми ё?

Биринчи Мавҳумот: — Улар қўл нарсани унутиб боришмоқда.

Етакчи: — Нимани, масалан?

Иккинчи Мавҳумот: — Улар вақтни енгамиз деб турли кашфиётларга қўл уришмоқда. Кашфиётлари уларнинг зарарига ишлаяпти. Улар ўз ҳаёт тарзи бунга мос эмаслигини эсдан чиқариб қўйишмоқда. Уларда “меҳр” ва “дийдор” деган тушунча бор. Улар бу нарсани қўллариди “жони” — қўл-телефонга едириб юборишган. Уларда шу туйғулар ўлиб бормоқда. Ахир улар одам эдилар-ку.

— Одам?

— Ҳа одам!

— Улар биздан қайси фазилати билан фарқ қилади?

Иккинчи Мавҳумот: — Улар олдинлари бир-бирининг ёнига бориб, бир-бирини кўриб, бир-бири билан дийдорлашиб сўзлашишган.

Биринчи Мавҳумот: — Энди эса вақтдан ютамыз деб, қўлидаги телефон орқали гаплашишади.

Иккинчи Мавҳумот: — Шундай бўлса-да, улар бугун ҳеч нарсага улгуришолмаяпти, вақтлари етишмаяпти. Илгарилари ҳамма нарсага улгуришарди.

— Биздан уларни яна қандай фарқ ажратади?

Биринчи Мавҳумот: — Уларнинг қалби бор.

Иккинчи Мавҳумот: — Меҳр ва дийдор ана шу қалба бўлади. Агар одамлар астойдил бир-бирига меҳр бераркан деса, бир-бирини кўраман деб, дийдорлашмоққа интилса, бутун самовотда вақт тўхтаб қолишини, то бир-бирининг дийдорига тўйиб қалби ёришмагунча вақт жойидан жилмай

туришини улар билишмайди.

— Уларнинг ўша сизлар айтган қўл-телефону интернетлари шунчалар мукамал-ми?

Биринчи Мавҳумот: — Қаёқда, вақт ўлчами билан таққосласак биздан миллиард йил орқада.

— Демак, улар таназзул жари сари кетмоқда.

Биринчи Мавҳумот: — Ҳа, улар бир-бири билан уришишади. Бир-бирини ўлдирishaди. Улар ўз сайёрасини бўлиб-бўлиб олишган, орага чегаралар ўрнатишган. Бир парча ер ҳисобига бир-бирини қириб, йўқ қилиб юборишдан ҳам тап тортмайдилар.

Иккинчи Мавҳумот: — Биз самовотдан заминга уларнинг қалбини уйготадиган нур юборишимиз керак.

Коинот қаърида узоқ туташув бўлиб ўтди.

Болакай алпанг-талпанг юриш қилиб яна китоблар тахланиб ётган хонага кирди. Ўша илоҳий қалин китобни варақлади. Китоб саҳифаси ёғду таратди, ялт этган чарогонлик дераза ойнасидан ўтиб олис осмон сари сингиб кетди.

Тубсиз фалакиёт қаърида машварат қилаётган ўзга сайёраликлар миллиард — миллиард шуълалар ичра чексиз самовотни тилиб ўтган айнан шу ёп-ёруғ нурни кўриб жим бўлиб қолишди.

— Ана, ўша хонадондан яна ёғду сачради, — деди биринчи Мавҳумот.

— Ҳа, ўша болакайнинг иши бу, — деди иккинчи Мавҳумот.

— Заминни қутқар, болакай! — деб қўйди Мавҳумот сайёраси етакчиси.

Улар жилмайишди(!). Коинот қаърини илк бор инсонга хос табассум ёғдуси ёритгандай бўлди.

Минималдорчилик мақбули

### МУОМАЛА ВА МАСЪУЛИЯТИ ДАРДИМГА МАЛҲАМ БЎЛДИ

МАКОН ва замон танламайди-  
ган энг олий мезон бу адолатдир.  
Адолат устувор бўлган жойда фаронглик ҳукм суради, тараққиёт бўлади, одамларнинг эртанги кунга ишончи ортади. Бироқ ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис кечмас экан.

Мен ҳам ҳаётда учраб турадиган айрим масъулиятсиз мутасадди раҳбарлардан кўнглим ранжиди. Адолат истаб Сўх туман адлия бўлимига шикоят-ариза билан мурожаат қилдим. Адлия бўлими бошлиғи Муроджон Қодиралиева 2014 йилдан 2018 йил 10 декабригача инсонийлик ҳуқуқимни поймол қилаётган Қадист унитар корхонаси ҳақида арзимини ёзма равишда баён этдим. У киши мен билан юзма-юз суҳбатлашди. Сўнгра "Мен сизнинг арзингизни қонун доирасида ҳал қилиб беришга ваъда берман", деб менга далда берди. 2019 йил 7 февралда адлия бўлимига борсам, ишни ижобий, қонуний ҳал қилиб, қўлимга ҳоким қарорини топширди.

Мен туман адлия бўлимини ва унинг раҳбарини ҳақиқий қонун ҳимоячиси, деб тан олдим. Чунки мен бошимдан сарсонгарчилик, уйқусизлик, тушқунлик каби оғир кунларни ўтказдим. Оила аъзоларим номидан Адлия вазирлиғига ва Сўх туман адлия бўлими раҳбарига "Инсон ва қонун" газетаси орқали миннатдорчилик билдираман.

**Савриддин РАҲИМОВ,**  
III-гурӯҳ ногирони,  
Фарғона вилоят, Сўх туман,  
Чумакчи МФЙ

# ТЕЗКОР, ШАФФОФ ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

## БУНГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ҚАНДАЙ ЁНДАШМОҚДА?



### Давлат Хизматлари Агентлиги

БУГУНГИ кунда юридик ва жисмоний шахсларга "Ягона дарча" тамойили асосида кўрсатилаётган хизматлар сони 100 тадан, жойлардаги Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилаётган фуқаролар сони эса 50 баробарга ошди.

Биргина, Тошкент вилояти миқёсида 2018 йил давомида марказлар орқали аҳолига 416 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, 2019 йил январь ойининг ўзида бу кўрсаткич 100 мингга етганлиги халқимизнинг ижтимоий ҳаётида давлат хизматларига бўлган эҳтиёж ва талаб кундан-кунга ортиб бораётганини амалда ўз исботини топмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 15 февралдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида"ги Қарори ушбу соҳада амалга оширилаётган муҳим ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида халқимизга ҳар томонлама қулай ва замонавий шароитларда давлат хизматларини кўрсатиш борасида кечиктириб бўлмайдиган зарур бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш даркорлиги белгиланган берилди.

Хусусан, Қарорга кўра, 2019 йил 1 июндан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматлари марказларида фуқаролар доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан ва юридик шахслар почта манзилдан (жойлашган еридан) қатъи назар давлат хизматларини экстерриториал тамойили бўйича олишга ҳақлидир.

Шунингдек, Қарорда 2019 йил 1 августдан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар, солиқ тўловининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳномалар, тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг ушлаб қўлингн суммалари тўғрисида маълумотномалар талаб қилиниши таққиланиши кўрсатиб ўтилди.

Бу ҳам бўлса, бугунги кунда айрим ташкилотлар томонидан асоссиз равишда талаб этилаётган маълумотномалар олиниши кескин камайитиришга ҳамда фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликларининг олдини олиш ва бюрократик тўсиқларни камайитиришга қаратилган муҳим қадамлардан бўлиб, давлат органлари ўртасидаги электрон ҳамкорликни ривожлантиришнинг замонавий ечимидир.

Мазкур Қарор билан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг 2019 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинадиган айрим турлари рўйхати, Давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилловчи нормалари мавжуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқориқ юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаган ҳолда қайта кўриб чиқиш, шунингдек, давлат хизматларини оптималлаштириш, давлат хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотларнинг электрон базаларини шакллантириш ҳамда идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини "Электрон ҳуқумат" тизимига интеграция қилиш бўйича тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди.

Бундан ташқари, Агентликка ҳўжалик бошқарув органларига, уй-жой коммунал ва фойдаланиш ҳўжалиги ташкилотларига аниқланган қонунбузилишлари ва камчиликларини, уларнинг йўл қўйилишига олиб келган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш, давлат хизматлари кўрсатиш талаблари ва тартибини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилди.

Қарорнинг 12-бандига асосан эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига иқтисодий ривожланиш даражаси ортада қолаётган туманлар ҳамда чекка ҳудудларга салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар) лардаги Халқ қабулхоналари ҳўзурдаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-ҳўсусий шериклик шартлари асосида қўрилишини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори доирасида қўшимча объектларни қўриш учун инвесторларга барча имтиёз ва афзалликлар сақлаб қўлингн ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ҳудуд миқёсидаги бошқа туман (шаҳар)дан ер участкаларини ажратилишга рухсат берилди.

Шунингдек, Қарор билан Давлат хизматлари марказлари биноларини қўриб битказиш режа-жадвали ҳам тасдиқланиб, унга кўра Тошкент вилоятининг ҳар бир туман (шаҳар)лари кесимида аниқ белгиланган вақт (ой, йил) билан барча туман (шаҳар) ларда замонавий бинолар барпо этилиб, топширилиши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, юз бераётган бу муҳим ислохотлар Давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига тезкор, шаффоф ва сифатли хизмат кўрсатиш йўлида улкан шароит яратилиши билан биргаликда, халққа хизмат қилишдек олий бурчи шараф билан амалга оширишни таъминлайди.

**Жасур ҚАЮМОВ,**  
Давлат хизматлари Агентлиги  
Тошкент вилоят бошқармаси бўлими  
бошлиғи

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКАСИ МАРКАЗЛАРИГА ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР: САМАРА ВА НАТИЖАЛАР

(Биринчи мақола)

АЙНИ пайтда республикамизнинг 10 та минтақасида ташкил этилган 14 та эркин иқтисодий зоналарда юзага келадиган божхона, транспорт — экспедиторлик, омборхона ва информацион логистика соҳасида тўлиқ комплекс хизматларини кўрсатишга оид юзага келадиган талабларга нисбатан мутаносиб равишда транспорт-логистика марказлари (таклиф) ташкил этилмаган. Юртимизда фақат 5 та, яъни "Навоий" халқаро интермодал логистика маркази, "Ангрен", "Тошкент", "Термиз" ва "Поп" халқаро логистика марказлари ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда.

Юртимизда транспорт-логистика соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилди. Жумладан, 6 та қонун, 7 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, 13 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва 9 тадан ортиқ халқаро конвенциялар қабул қилинган.

Ташқи савдо транспорт йўлақларини янада диверсификациялаш учун қўшимча қулай шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий транспорт-логистика компанияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлигини юксалтириш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 2 декабрдаги "2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташинишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган.

Ушбу Қарорга асосан автомобилларда халқаро юк ташиниш амалга ошираётган миллий автотранспорт корхоналари ва транспорт-логистика компанияларини ривожлантириш мақсадида уларга 2022 йилнинг 1 январига қадар бир қатор имтиёزلар тақдим этилган.

Бироқ соҳада ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, транспорт-логистика марказлари фаолиятини етарлича тўғри йўлга қўйиш ва соҳа фаолиятини тўлиқ қамраб оладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилмаган.

Шунингдек, транспорт-логистика марказлари фаолиятини ислоҳ қилиш учун бир қатор муҳим ишларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, транспорт-логистика соҳасида "аниқ вақт" ва "эшиқдан эшиқкача" принципи асосида ишловчи, божхона, транспорт — экспедиторлик, омборхона ва информацион логистика соҳасида тўлиқ комплекс хизматларини кўрсатиш имкониятларига эга транспорт-логистика марказларини ташкил этишнинг аниқ ҳуқуқий механизми ва фаолиятини тўғридан-тўғри тартибга солувчи қонун ёки қонуности ҳужжатларининг яна базасини шакллантириш;

иккинчидан, ҳозирги вақтда республикамиздаги транспорт-логистика соҳасидаги тарифларини пасайитириш;

Президентимиз раислигида 2017 йил 6 декабрь куни "Навоий" халқаро интермодал логистика маркази фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда, логистика марказ

йилига 100 минг тонна юк ўтказиш қувватининг 20 фоизидан ҳам камроғи ишга солинганлиги, ўтган саккиз йил давомида ушбу аэропорт орқали 300 минг тонна юк ташилганлиги қаттиқ танқид қилинган. "Навоий" логистика маркази фаолиятида юзага келадиган қатор тизимли муаммолардан бири, яъни ҳаво транспортида юк ташиниш ривожлантиришга тўсиқлик қилаётган асосий омиллардан бири бу тарифларнинг юқорилигидадир.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган "Хорижий давлатлар оғир юкли ва катта ҳажмли транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юриши учун тўловлар тўғрисида"ги низомага асосан оғир юкли ва катта ҳажмли транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйлаб юриб ўтганлиги учун транспорт воситасининг оғирлигидан келиб чиққан ҳолда ҳар км. йўл босанлиги учун 00,4 АҚШ долларидан 2 АҚШ долларигача пул маблағи тўлаши белгиланган.

Хорижий давлатларда халқаро юк ташувчиларнинг транзити учун бир қатор имтиёزلар берилган. Жумладан, Сингапур давлатида халқаро юк ташувчилар учун кун муддат ичида юк божхона ҳудудидан олиб ўтганлиги учун тўлов ундирилмаслиги белгиланган. Агар уч кундан ортиқ вақт давомида юкни божхона ҳудудидан олиб ўтилса, ҳар бир кун учун 12 АҚШ долларига тўлов амалга ошириши белгиланган.

Худди шу каби ҳолатлар Италия дав-

латида уч кундан кейин ҳар бир кун учун 20 АҚШ доллари, Германияда беш кундан кейин ҳар бир кун учун 47 АҚШ доллари, Францияда беш кундан кейин ҳар бир кун учун 29 АҚШ доллари ҳамда Туркия давлатида ҳар бир кун учун 8 АҚШ долларига тўлов амалга оширилиши белгиланган.

Европа ва Америка давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ташқи савдо транспорт йўлақларини янада диверсификациялаш учун қўшимча қулай шарт-шароитларни яратишда, мамлакатнинг транзит салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий хизмат кўрсатувчи компанияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлигини юксалтиришда транспорт-логистика марказлари муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, Голландия давлатида транспорт комплекси хизматида келадиган умумий фойданинг 40 фоизи транспорт логистика марказлари ҳисобига тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткич Францияда 31 фоизи, Германияда 25 фоизи, Марказий ва Шарқий Европа давлатларида ўртача 30 фоизни ташкил этмоқда.

Бирлашган Араб Амирликларидаги "Дубай" халқаро аэропортида йилига 3 миллион тоннагача юк ўтказилиб, 26 миллиард АҚШ долларига яқин даромад топишмоқда.

**Шаҳруз АЗИМОВ,**  
Самарқанд вилоят адлия  
бошқармаси масъул ходими

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

## бунда "Ватанпарвар" ташкилотининг ўрни беқиёс

МАЪЛУМКИ, 2018 йил 12 декабрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда қақрилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Бу эса бизни — Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг барча ходимларини беҳад қувонтирди.

Албатта, Юртбошимизнинг мазкур Қарорида "Ватанпарвар" ташкилоти зиммасига ёшлар ва фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онига ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатга масъулиятли муносабат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини синдириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ва оммалаштирилишини таъминлаш, спорт ташкилотлари ва жамоалари фаолиятига қўмаклашиш, болалар, ўсмирлар ва чақирувганча бўлган ёшлар ўртасида оммавий спорт ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, ёшлар ва фуқароларни мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларга ўқитишда ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлашда давлат ҳокимияти органларига қўмаклашиш, автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шундай йўналишлар бўйича фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик

қилиш вазифалари юклатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айни пайтда "Ватанпарвар"нинг Фарғона вилоят кенгаши ҳамда унинг тасарруфидаги 19 та туман, шаҳар кенгашлари, Фарғона вилоят бешта техника мактаби, Қўқон ва Ёзёвон автомобил, мактаблари вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази, 17 та ўқув спорт техника клублари томонидан ҳам давлатимиз раҳбарининг Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 7 март кuni Ёзёвон автомобил мактабида "Биз ватанпарварлармиз!" шиори остида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир ва 8 март — "Халқаро хотин-қизлар кuni" байрами муносабати билан умумтаълим мактаблари ўқувчи-қизлари ўртасида "Ёзги биатлон" спорт тури бўйича ташкил этилган мусобақа ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилди. Аввало, тадбир доирасида янги "Парашют" спорт тўғрисидаги очилиш маросими ўтказилди. Эътироф этиш керак, тўғрақ машғулотлари ўтиладиган хоналар ҳамда махсус спорт майдони кўргазмалари ўқув қуроллари ва барча зарур анжомлар билан жиҳозланган.

Тадбирда Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги зобитлари ёшларга парашютнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш юзасида батафсил тушунчалар беришди. Қолаверса, ҳарбий хизматга қақрилувчи ёшларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, уларни спортнинг техник ва амалий турлари

билан шуғулланишлари учун яратилган шарт-шароитлар хусусида давра суҳбати ҳамда спорт техникалари ва турли парашютларнинг амалий кўргазмаси уюштирилди.

Бундан ташқари, Ёзёвон туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ходимлари томонидан ўқувчи ёшлар ўртасида йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган "Йўл қондаси — умр фойдаси" мавзусида ҳам очик дарс бўлиб ўтди.

Ёзёвон туман ҳокимлиги, туман мудофаа ишлари бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ёзёвон туман кенгаши, туман халқ таълими бўлими ва худудда истиқомат қилувчи уюшмаган ёшлар иштирокидаги тадбир якунида фаол ёшлар ва мусобақа ғолибларига "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ҳамда Ёзёвон автомобил мактабининг эсдалик совгалари, дипломлар, бадий ва сиёсий адабиётлар топширилди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, ҳамкасбларимизни ҳамда мамлакатимиз меҳмонларини янгилаш ва яшариш айёми Наврўзи олам билан муборакбод этамиз! Тилагимиз — жаннатмонанд юртимиздан байрамлар ва тўю тананалар ҳеч қачон аримасин. Тинчлик-осойишталигимиз барқарор бўлсин.

**Маҳмуджон МИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Фарғона вилоят кенгаши раиси



# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Сирғали тумани, Чоштепа маҳалласи, Узар 1-тор кўчаси, 34-а уйда яшовчи фуқаро Д.Юлдошева Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони"га Сирғали туман ҳокимлиги ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, невараси М.Раимбердиеванинг чин етимлиги тўғрисида туман ҳокимлигидан маълумотнома олишда ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Сирғали туман адлия бўлими томонидан фуқаронинг мазкур мурожаати ўрганиб чиқилди. М.Раимбердиеванинг онаси 2010 йилда вафот этганлиги, отаси эса фуқаролик ишлари бўйича Яқкасарой туманлараро судининг 2013 йилдаги қарорига кўра, оталик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги, уй-жой билан таъминланмаганлиги ва кам таъминланган оила эканлиги аниқланди. Адлия бўлими фуқаро манфаатини кўзлаб, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда қийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек транспортда юриш қарточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан Сирғали туман ҳокимлигига тақдимнома киритди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида аризачининг мурожаати қаноатлантирилиб, туман ҳокимлигининг 2018 йил 19 октябрдаги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Мафтуна Раимбердиева ижтимоий ҳимояга муҳтож ва тўлиқ давлат таъминотидаги етим бола, деб топилди ва унинг тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланди.

**Рустам АБУЛХАЙРОВ,**  
Сирғали туман адлия бўлими бошлиғи

# ОИЛАВИЙ АЖРИМЛАР

## бунда кўпроқ болалар азият чекмоқда



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими белгиланган график бўйича туман прокурори, соҳа бўйича ўринбосарлари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" маркази туман бўлими, Адлия бўлими, ДСИ, "Нуроний" жамғармаси, "Бувижонлар мактаби", тумандаги мавжуд МФЙ фаоллари, қарздорлар, ажрашган оилалар иштирокини таъминлаган ҳолда тарғибот тадбирларини ўтказиб келмоқда. Ушбу ташкил этилаётган тадбирлардан мақсад, фуқароларга алиментларни ўз вақтида тўлашни зарурлигини тушунтириш ва имкони бўлган оилаларни яраштириш масалалари кўзда тутилган.

Хусусан, ана шундай тадбирлардан бири Бектемир тумани "Мажнунтол" маҳалласида бўлиб ўтди. Унда кўрсатилган ҳамкорлик ташкилотлари билан биргаликда туманининг 12 та МФЙ аҳолиси ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда, фуқароларнинг фарзандларига тўлашни лозим бўлган алимент ва таъминот пулларининг ўз вақтида берилишини таъминлаш чоралари кўрилиши, айниқса, ёшлар ўртасида оилавий ажралишларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш, келиштириш, яраштириш, ўзаро муносабатларни тиклаш, яхшилаш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидлангандек, туманда 400 га яқин алимент тўлаш ҳолатлари мавжуд бўлиб, бу эса кичик бир туман учун жуда катта рақам, чуқур турмуш бузилиши, ажримлар оқибатида кўпроқ болалар азият чекиб, етим болалар сони ортиши, етимовчиларга дуч келиши, натижада улар ўртасида турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар юзага келиши мумкин. Шу боис Мажбурий ижро бюроси Бектемир тумани бўлими оилалар

билан ишлаш давомида фақат алимент тўловларини тўлашни ташкиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлашни назорат қилибгина қолмай, бугунги кун ҳолатига 10 та оилани яраштириш, оиласини тиклаш, болаларни ота-онаси бағрига қайтаришга эришган.

Тадбир давомида тегишли идоралар билан оилаларни тиклаш, яраштирув комиссиялари ишини жонлаштириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш, намунали оилаларни ибрат ғояси асосида туман тадбирларига кенг жалб этиш, ажрим ёқасидаги оила вакиллари мустаҳкам оилалар билан давра суҳбатларини ташкиллаштириш, энг аввало, ажрашган оилалар фуқаролари болаларига алимент тўловларини ўз вақтида тўлашни шартлигини тушунтириш тақлиф сифатида муҳокамага ташланди.

**Азизжон ЖАМОЛҲУЖАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар, Бектемир туман бўлими давлат ижроچиси



Яралиши узоқ ўтмишга бориб тақаладиган НАВРЎЗ байрами ўзи билан ўзгариш, яшариш, покланиш ва шоду хуррамликларни олиб кириши баробарида, инсонларни бир-бирига меҳр-мурувватли, саховатли, яхшиликка ошно бўлишга ҳам ундайди.

Табиат замин узра гулу чечакларини ёяркан, аввало, жамики мавжудотни ризқлантиради. Бутун жонзот борки, ям-яшил ўт-ўланлардан баҳраманд бўлади. Дошқозонларда сумалаклар қайнайди, кўкли таомлар тайёрланиб, ундан каттаю кичик бирдек озиқланади. Наврўзнинг бизга илинган илк ҳиммати, саховати ана шундай бошланади. Бундан андаза олган қалб борки, баҳорнинг тухфаси, Наврўзнинг ҳимматидан руҳланиб, ўзи ҳам эзгуликка, фаровон яшашга иштилади. Юрт ободлиги, Ватан осойишталиги, кўнгиллар хотиржамлигига ўз ҳиссасини қўшишга ошиқади.

Кўнгиллар севинчдан энтиккан бир пайтда биз ҳам баҳор янглиғ пок ва меҳнатсевар халқимизнинг юрт ривожини йўлидаги бетиним ҳаракатларига унум, хонадонларига ризқ-барака, эзгу ишларига омад тилаймиз. Диёримиз узра кенг нишонланаётган Наврўз айёмининг қадами қутлуғ келсин. Юртимиз аҳолисига баҳор айёми Наврўз муборак бўлсин!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ  
**“ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ  
 КОМПАНИЯСИ”** ЖАМОАСИ

НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ  
**“JOZIBALI  
MASKAN”**

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



*янгилаши, нафосат ва гўзаллик тимсоли бўлмиш  
НАВРЎ айёми билан юртимиз фуқароларини ва  
меҳмонларини самимий табриклайди.  
Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо,  
хонадонларимиз файзу баракали бўлишини тилай-  
ди. Баҳорий кайфият, яратиш ва яратувчанлик  
иштиёқи Сизни асло тарк этмасин!*

*Барчангизга Наврўз байрами  
муборак бўлсин!*

# Пахтачиликда жорий қилинган ЯНГИ ТИЗИМ

## ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ ВА МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН ЗАМИН ЯРАТМОҚДА

БУГУН замон ўзгарган. Одамларнинг дунёқараши, фикрлаши тубдан янгиланиб бормоқда. Халқимиз кечаги кун билан яшаб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилмоқда. Айниқса, ишбилармонлик қизгин тус олиб, янги технология ва инвестиция киритишга тадбиркорлар дадил ҳаракатлар қила бошлади. Республикаимизнинг қишлоқ хўжалик соҳасида маҳсулотлардан тортиб уни қайта ишлаш, тайёр хомашёни жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражада сифатли қилиб бозорга етказиш жараёнлари илғор мамлакатларда синовдан ўтган тажрибалар асосида амалга оширилмоқда.

Хусусан, пахтачиликда уруғни ерга қадашдан тортиб ғўзани парваришлаш, ҳосилни йғиб-териблиш, хомашёдан тола ва тайёр маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараённи пухта ва аниқ бажариш, ундан фойда олишда кластер тизимининг жорий қилингани бекиёс аҳамиятга эгадир.

Ана шундай тизимда иш олиб бораётган Нарпай туманидаги "Мароканд-сифат" МЧЖ фаолияти ҳақида сўз юритамиз.

Яқинда биз Нарпай туманида ташкил этилган "Мароканд сифат" масъулияти чекланган жамиятида бўлиб корхона бош агрономи Нумон Рустанов билан кластер тизимининг афзаллиги ҳусусида суҳбатлашдик:

— Шунга айтиш керакки, мамлакатимиз раҳбари юртимизда барча жабҳаларда туб ислохотларни бошлади. Хусусан, қишлоқ хўжалик соҳасида кластер тизимининг жорий этилиши инқилоб бўлди, десам хато бўлмайди. Нега, дейсизми? Шу пайтгача фермер хўжалигининг раиси "бўзчини моноксидек", дам ўғитта, дам ёқилгига қатнардик. Энг ёмони, ғўза ривож учун ҳаводек зарур бўлган пайтда, айтилик, ғўза гулга кирган чоғида мироблар атайин сув бермай фермернинг тинкасини қуритар эди. Кўп ҳолларда ғўза гулини ташлагандан кейин дала қўлқонинг бошини очар эди. Натижада, машмашалардан безор бўлган фермер раиси ишдан қўли совуб кетарди. Оқибатда, экинга ўз вақтида ўғити, сувини бера олмагани учун гектар бошига олинадиган ҳосилнинг чўғи тош босмас эди.

— Кластер тизимида энди бундай бўлмайди. Бу иш тизимида ҳар бир жараён аниқ ва пухта режа асосида олиб борилади. Айтилик, Нарпай туманида 10 минг 700 гектар майдонга чигит экилади. Бугун чигит экиш мавсумига пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Жумладан, Беларусда 50 та янги МТЗ – 80 тракторлари Туркиядан ҳозирги замон технологиялари асосида ишлаб чиқарилган чигит экиш сеялкаси олиб келдик. Унинг катта иқтисодий самарадорлиги бор экан. Масалан, ҳозиргача туманда Собиж Иттифоқ давридан қолган эски сеялкалар ишлатилган, уларнинг харажати катта бўлган. Чунки эски технология буйича бундан 50 йил олдин ишлаб чиқарилган сеялка ҳар бир гектар учун 60-70 кг. чигит сарф қилган. Бундан ташқари,

чигитни дориллаш учун ҳам ортиқча меҳнат ва маблағ сарфланган. Туркиядан олиб келинган чигит экадиган сеяланинг афзалликлари бекиёс. Ушбу сеялка ерга қадаладиган чигитни саралаб, тоза чигитни экади. Энг муҳими, бехато аниқ технология буйича ортиқча сарф-харажат қилмай ҳар гектарига 25-30 кг.дан чигит сарф қилиб, унинг тўлиқ униб чиқиши учун пухта замин яратади. Бундан ташқари, одамларга тўланадиган маблағ ва ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинади. Шунингдек, ушбу сеялкада экилган майдонларда ягана қилинмайди. Яна бир қулай томони, ушбу сеялка чигит экиш билан бирга чигитни дорилайди ҳам. Энди бир хомчўт қилиб кўринг, ҳар бир гектар ерга экиладиган чигитдан ўртача 40 кг.дан чигит иқтисод қилинса, бу 10000 гектар майдондан қанча чигит иқтисод қилинади. Тежаб қолинган чигитдан эса неча минг тонна ёғ, чорва учун емиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу фақат экиш жараёнидаги иқтисодий таҳлил. Бугун дунёда сув танқислиги маълум, шунга ҳисобга олиб ишни кластер тизимида ташкил этишининг яна бир афзаллиги бор. Бугун ушбу тизимда дашт зоналари, сув йўналиши қийин бўлган далалардаги чигит экиладиган майдонларда 300-400 гектар экинни экишга мўлжалланган ҳовузлар қазилиб суғориш мавсумигача шу қудуқларда керакли ҳажмда сув жамғарилади. Махсус насослар ёрдамида экин томчилаб суғорилади. Бу жараёнда ҳам қанчадан-қанча қўл меҳнати ва ортиқча маблағ иқтисод қилинади. Бугун кластер тизими ёрдамида барча экин майдонларида насослар махсус насос ускуналар ўрнатилган. Биргина суғориш жараёнида бир неча миллионлаб маблағ тежалиб қолинади. Яна бир гап, бугун чигит экиш олдидан лазер ёрдамида ер текисланади. Ерни бир текис шудгорлаш, экин экиш, уни суғориш, ғўзага ишлов беришда техника қийналмай, ортиқча ёқилги сарф қилмай вақт тежалиб бу жараёнда ҳам катта иқтисодий самара қўрилади.

— Янгича тизим кластер деҳқонни, қолаверса, мамлакатни бой қилади, — дейди яна бир суҳбатдошимиз "Мароканд-сифат" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Рустам Хамроев. — Биргина мисол: илгари пахта тозалаш заводлари пахтани қайта ишлаб, тола олиб, терминал орқали белгиланган мамлакатларга экспорт қиларди. "Сув келтирган хору зор, кўза синдириган азиз", деганларидек хорижликлар толани олиб ип қилиб газлама тайёрлаб катта фойда кўрар эди. Кластер тизимида энди бундай бўлмайди. Этиштирилган ҳосил тўлиқ шу ернинг ўзида қайта ишланиб, ундан ип-газлама тайёрланиб, кийим-кечак ишлаб чиқарилиб, келишилган нархларда четга сотилади. Бошқача айтганда, деҳқон бағриқон бўлиб илгари ҳосил этиштириб 10 000 сўм фойда олган бўлса, энди у ўзи ишлаб чиққан ҳосилни қайта ишлаб 100 000 сўм фойда олади.

Бунинг учун эса айни кунларда Нарпай тумани ҳудудида Собиж Иттифоқ даврида қурилиб ўз ҳолига ташлаб қўйилган мевани қайта ишлаш Балтемур заводининг ўрнидан Текстиль фабрикаси қурилиши режалаштирилди. Пахта тозалаш заводи қошида мой ишлаб чиқарадиган кичик комбинат ташкил этилмоқда. Пахтани қайта ишлаб ундан олинган чигит шу ерда ишланиб, ёғдан ташқари чорва учун тўйимли шелуха, шурот ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Бугун биз пахта заводини тубдан янгилаяпмиз. Бундан 50-60 йил олдин ишлатиладиган транспортёрлар пахтани тойлаш учун арралар тўлиқ алмаштирилди. Бундан ташқари, 1000 бошга мўлжалланган молхона қурилмоқда. Умуман, нарпайликлар учун кластер тизимида мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Эндиликда фермер хўжалик раиси ҳеч нарсга зориқмайди. Унинг пахта уруғи, ўғити, ёқилгиси, суви, техникаси ўз вақтида таъминланади. Яна бир гап, энди фермер хўжаликлари гектаридан 15-20 центнер ҳосил олиб, минг хил баҳона қила олмайди. Бугун фермер хўжаликлари раисларининг ҳар бири билан шартнома тузилиб, қонуний ҳужжатлаштирилди. Белгиланган ҳосилни у беришга мажбур, чунки баҳонага ўрин қолдирилмаган. Бугун фермер хўжаликларига иш ҳақлари ўз вақтида мунтазам бериб боришмоқда. Биз мутасадди ташкилотлар нефть база, кимё, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалик техникаси, умуман, қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликга мутасадди бўлган ташкилотлар билан икки томонлама шартнома туздик. Уни сўзсиз бажариш борасида қонуний битим тузилди. Насиб этса, ишимиз ёмон бўлмайди. Одамлар ҳам, халқ ҳам бой бўлади. Чунки кластер тизимида қатъий интизом жорий қилинди, ортиқча сарф-харажатларга ҳеч қўйилди ва режали иш тартиби жорий этилди.

— Ҳақиқатан ҳам кластер тизимининг баҳоси йўқ экан, — дейди "Акбар Равшанов" фермер хўжалигининг раиси Равшан Абдурахимов. — Кластер тизимида иш бошлаш ўзининг ижобий томонини кўрсатди. Айтилик, бу нарса шудгор давридан билинадиган. Техникалар соз, янги плуглар ўрнатилган. Ёқилгига, мутасаддига муҳтоб бўлмадик. Бугун экин учун барча шароитлар муҳайё. Томчилаб суғориш учун қудуқлар қазилиб, насослар ўрнатилган. Эндиликда, фермер ўғит учун, сув учун ҳеч қаерга югурмайди. Агротехник тадбирларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, мўл ҳосил олиш учун унга барча имкониятлар яратилди. Энди баҳона қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Янгича тизим: кластер тизими бунга йўл қўймайди, чунки қонуний шартнома тузилган. Қонунни эса онгли одам бузмайди.

Азим ҚОДИРОВ,  
"Инсон ва қонун" муҳбири


Хизматлар лицензияланган.



# ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ

## МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

ЖИНОЯТ ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.



Мазкур вазифаларни самарали бажариш учун умумэътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш ва амалиётда кенг фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Шундай институтлардан бири юридик шахсларни (фирма, корхона, корпорация, акциядорлик жамияти ва бошқа) жиноий жавобгарликка тортиш ҳисобланади.

Корпорация ва ташкилотларни жиноий жавобгарликка тортиш амалиёти ривожланган давлатларда жорий этилган механизм қуйидагиларни ўз ичига олади: биринчидан, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги бу мазкур ташкилотда раҳбарлик қилувчи ёки ушбу ташкилот номидан иш қилувчи жисмоний шахс томонидан юридик шахс фойдасини кўзлаб содир этилган жиноят учун юзага келадиган жавобгарлик ҳисобланади.

Иккинчидан, агар жиноят ташкилот раҳбари ёки унинг номидан иш қилишга ваколатли шахс томонидан фақат ўзининг шахсий манфаатларини кўзлаб со-

дир этилса, юридик шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Учинчидан, фирма ёки корхона жиноий жавобгарликка тортилганида, жиноятни содир этган жисмоний шахснинг жавобгарлик масаласи истисно этилмайди.

Экспертларнинг фикрига кўра, юридик шахслар иқтисодий жиноятларда, экологик жиноятларда, ноқонуний миграцияни ташкил қилиш жараёнларида (одам савдоси), банк соҳасидаги фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларда жавобгарликка тортиш тизими субъекти ҳисобланади.

Ривожланаётган давлатларда содир этилаётган иқтисодий жиноятларнинг деярли 90 фоизда ташкилот раҳбари сифатида "номинал" шахслар, яъни маълум ҳақ звазига фақат ҳужжатларга имзо чекувчи, корхона фаолиятини умуман тушунмайдиган, муқаддам бир неча бор судланган ва яна судланишга қарши бўлмаган жисмоний шахслар жавобгарликка тортилмоқда.

Лекин жиноят натижасида топилган ноқонуний фойда эгаси, яъни ташки-

лотнинг норасмий раҳбари эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходим "кузатув майдони"дан четда қолмоқда, сабаби улар юридик нуқтаи назардан ташкилотга умуман дахли бўлмаган шахслардир. Натижада жиноят якунида етказилган зарар тўлиқ ундирилмай қолмоқда, сабаби, жавобгарликка тортилган "номинал" шахснинг номида кўчар ва кўчмас мулк, одатда расмийлаштирилмаган бўлади.

Суд ҳукми асосида жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан қўлланилган жарима миқдори эса мазкур жисмоний шахс томонидан ўзи ишлаган корхонага келтирган фойдаси ҳамда давлат бюджети ёки жавобгарликка тортилган шахснинг зарари суммасидан жуда кам ҳисобланади.

Бундан ташқари, асосий мақсади фойда олиш бўлган ташкилотнинг расмий раҳбарининг жиноят иши доирасида жавобгарликка тортилиши мазкур ташкилотга янги келадиган раҳбарни эски бошлиқ изидан бормаслигига ва жиноят содир этмаслигига қазолат бермайди, бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят ва уни олдини олиш билан шугулланиш фаолияти самардорлигининг сезиларли тарзда пасайишига олиб келади.

Юридик шахс фойдасига содир этилган жиноят учун ташкилот жавобгарликка тортилганида, юридик шахсга нисбатан суд томонидан қуйидаги жиноий жазо турлари белгиланиши мумкин:

- жарима;
- фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини маълум муддатга чеклаш;
- фаолият билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;
- мол-мулкни мусодара қилиш (ёки конфискация);
- юридик шахсни ликвидация қилиш. Компания ва фирмаларни жиноий

жавобгарликка тортиш институти жорий этилган давлатларнинг экспертлари фикрига кўра, юридик шахсларни судда жавобгарликка тортиш ҳолатининг ўзи корхона учун ҳамкорлари ва мижозлари олдида обрўсининг тушишига, молиявий инқирозга сабаб бўлиши юридик шахсга белгиланиши мумкин бўлган энг оғир жазо турларидан ҳам оғриқлироқ ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур механизмни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва унинг амалиёти йўлга қўйилган давлатлар ички норматив ҳужжатларида давлат вазифасини бажарувчи ташкилот ва тузилмалар юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш институтининг субъекти ҳисобланмайди.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлик институтининг мавжуд эмаслиги Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди соҳадаги тизимли муаммо ва камчилик қаторида белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига юридик шахс сифатида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мақомида жиноий жавобгарликни белгилаш суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларни мазмунан бойитишга, жумладан, тегишли органлар фаолияти самардорлигининг ошишига ва юридик шахслар жиноятни содир этишда фойдаланиш ҳолатларини камайтиришга, жиноятчилик натижасида етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилишига хизмат қилади.

**Сардор ИКРАМОВ,**  
мустақил тадқиқотчи



## ФАРЗАНД ТУҒИЛДИ, ЛЕКИН ГУВОҲНОМА БЕРИЛМАДИ

БЕКБОД туман "Ачамайли" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Б.Минжигитов туман тиббиёт бирлашмаси туғуруқхона бўлими томонидан фарзанди туғилганлиги ҳақидаги маълумотнома берилмаётганлигидан норози бўлиб Бекобод туман адлия бўлимига мурожаат қилган.

